

Takhirjan Ganievich Yokubov

Senior Lecturer Andijan

Andijan Institute agriculture and agrotechnology.

ISSUES OF IMPROVING LOGISTICS SERVICES IN THE
DEVELOPMENT OF EXPORT OF FRUIT AND VEGETABLES IN
UZBEKISTAN.

Abstract: Providing the population of Uzbekistan with food products and ensuring economic growth through the export of fruits and vegetables to the world market is one of the pressing issues of our time. This article discusses the importance of the development of fruit and vegetable growing and viticulture in our country today, the features of improving logistics approaches in the activities of local fruit and vegetable cluster enterprises, as well as the importance of the work carried out in this issue, special attention is paid.

Key words: logistics and agricultural network, integration, fruits and vegetables, food security, export, agricultural cluster, farmers, leasing, financial support.

Тахиржан Ганиевич Ёкубов

Старший преподаватель,

Андижанский институт

сельского хозяйства и агротехнологий.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛОГИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ ПРИ
РАЗВИТИИ ЭКСПОРТА ФРУКТОВ И ОВОЩЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ.

Аннотация: Обеспечение населения Узбекистана продовольственными товарами и обеспечение экономического роста за счет экспорта плодоовощной продукции на мировой рынок является одним из актуальных вопросов современности. В данной статье рассмотрено значение развития плодоовощеводства и виноградарства в нашей стране сегодня, особенности совершенствования логистических подходов в деятельности предприятий плодоовощного кластера на местах, а также значение работ, проводимых в этом вопросу уделяется особое внимание.

Ключевые слова: логистика и аграрная сеть, интеграция, фрукты и овощи, продовольственная безопасность, экспорт, агрокластер, фермеры, лизинг, финансовая поддержка.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТЛАР ЭКСПОРТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Тоҳиржон Ганиевич Ёкубов

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар

Аннотация. Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва мева-сабзавот, узумчилик маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу мақолада мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг бугунги кундаги аҳамияти ва соҳада олиб борилаётган мева-сабзавотчилик кластери корхоналари фаолиятида логистик ёндашувларни такомиллаштириш хусусиятлари ва бу борада олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ёритилган.

Калим сўзлар: логистика ва аграр тармоқ, интеграция, мева-сабзавот, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт, агрокластер, фермер, лизинг, молиявий қўллаб -қувватлаш.

Дунё хамжамиятида, сўнгги йилларда тобора кучайиб бораётган иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг танқислиги, ерларнинг мелоратив ҳолати бузилиши каби муаммолар сабабли, Республикаимизда ҳам бир қатор тармоқ ва соҳалар муаммо ва таҳдидлар гирдобида қолмоқда. Шунингдек жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашуви бизнес субъектларининг мавжуд моддий ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишни, етиштирилган ва саноат негизида қайта ишлаб чиқарилган маҳсулотларни аниқ муддатларда, сифатли, арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб беришда етказиб бериш занжирларини самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга устувор йўналишлар сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" да куйидагилар белгиланди:

- Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.
- Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш.
- Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш.
- Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш, 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очиқ танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш.

Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2

баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш"[2] каби вазифалар белгиланди

Республикамызда 2023 йил сарҳисоби бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 426,3 трлн сўмни ташкил этган бўлса, Шунингдек Андижон вилоятида эса энг кўп мева ва резаворлар (696,8 минг тонна) ва сабзавотлар етиштирилган (1 772,6 минг тонна) етиштирилган. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини интенсив технологиялар асосида етиштириш орқали ташқи бозорларда сотиш ҳисобига мамлакат валюта тушумининг сезиларли қисми шаклланаётганлиги ҳам соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг устуворлигидан далолат беради. Чунки жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган бир пайтда, бизнинг улушимиз бир фоизга ҳам етмаяпти. Шу боис соҳага хорижий инновацион тажрибаларни жорий этиш, ноанъанавий экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш орқали мева-сабзавот экспортини 2023 йилда 1,75 миллион тоннага етди. Бунда Россия 37%лик улуш билан етакчилик қилмоқда. Ўтган 2023-йилда Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича фаоллик кўрсатиб, 1,7 миллион тонна ушбу фойдали маҳсулотларни хорижга жўнатди, бу нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига, балки халқаро савдо алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳамкор давлатлар орасида Ўзбекистон мева-сабзавотларининг асосий экспорт бозорига айланган Россия алоҳида ажралиб туради. Россиянинг жами экспортдаги улуши таъсирчан 37% ни ташкил этди ва бу икки давлат ўртасидаги бу соҳадаги ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидланади.

Статистика агентлигининг ҳисоботида кўра, экспортнинг умумий ҳажми қарийб 1,2 миллиард долларга етганлиги жаҳон бозорида Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларига талаб юқори эканидан далолат беради.

Ўтган йилга нисбатан экспортнинг 1,1% га ўсиши кузатилмоқда, бу эса 18,9 минг тоннага кўпдир. Бу ижобий динамизм Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсиши ва самарали экспорт стратегиясидан далолат беради.

Россиядан ташқари, ўзбек мева-сабзавотлари учун бошқа муҳим бозорлар Покистон (16,7%), Хитой (12,3%) ва Қозоғистон (10,3%) ҳисобланади. Ҳамкорларнинг бундай хилма-хиллиги Ўзбекистон экспорти географиясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда ва мамлакатимизнинг жаҳон қишлоқ хўжалиги бозоридаги мавқеини узок муддатли мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда [13].

Бугунги кунда кўплаб хорижий ҳамда маҳаллий олимлар мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳамда уларни қайта ишлаш бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришмоқда. Хорижий олимлардан Джеймс С.Джонсон, Дональд Ф.Вуд, Дэниел Л.Вордлоу, Поль Р.Мерфи [7] ўз тадқиқотларида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида тайёрланганда олинадиган иқтисодий самарадорлик ҳақида

маълумотлар келтирганлар.Ф.Котлер [8] “Basics of Marketing” номли ўқув қўлланмасида мева- сабзавот маҳсулотларининг сотуви бўйича маркетинг тадқиқотлари натижасини келтириб ўтган.

МДХ олимларидан В.А.Клюкач, Д.А.Логинов[10] мева-сабзавот маҳсулотларини рефрижераторларда сақлаш технологиялари бўйича қатор таклиф ва тавсиялар келтириб ўтишган, А.У. Альбеков, В.П.Редько, О.А.Митько эса уларни етказиб бериш ва логистик хизматлар бозорини шакллантириш бўйича ўз фикрларини билдириб ўтишган [11]. Ўзбек олимларидан эса Б.Т. Салимов ва М.С. Юсупов ўз илмий изланишларида Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳақида маълумотлар бериб ўтишган[12].

Шу билан бирга ушбу соҳада айрим ўрганилмаган масалалар ҳам мавжуддир. Масалан, мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилмоқда ҳамда қайта ишлаш бўйича ишлар самарали олиб борилмоқда деб бўлмайди. Кўп ҳолларда техника ва технологияларнинг етишмаслиги ҳамда ушбу соҳада етарлича илмий изланишлар олиб борилмагани туфайли ердан етарлича унумли фойдаланиш кўрсаткичлари юқори эмас. Шу сабабдан ҳам мева – сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлашга илмий жиҳатдан чуқурроқ эътибор бериш самарали натижага олиб келади.

Шу билан биргаликда, саноати ривожланган мамлакатлар ва илғор корхоналарнинг иш тажрибаси замонавий бизнесда логистика стратегик муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Логистика деганда бизнес ташкилоти барча ресурсларнинг оптимал сарфида корпоратив мақсадларга эришиши учун моддий оқимлари ва унга ҳамроҳлик қилувчи бошқа оқимларни (ахборот оқимлари, молиявий оқимлар, сервис) самарали бошқариш тушунилади.

Ҳозирги кунда илғор фирмаларда логистиканинг анъанавий функциялари – ташиш, захиралар, харидлар ва буюртмаларни бошқариш, юкларни омборларга жойлаштириш ва уларга қайта ишлов бериш – стратегик инновацион тизим ҳосил қилиш билан умумий ахборот-компьютер платформаси базасида интеграллашган.

Логистика – иқтисодиёт соҳалари тизимидаги моддий ва улар билан боғлиқ бўлган ахборот, молиявий ва хизмат кўрсатиш оқимларини, уларнинг пайдо бўлиш жойидан истеъмол жойигача бўлган ҳаракатини, тизим мақсадларига эришиш ва ресурсларни оптимал сарфлаш учун бошқаришдир. [8]

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда логистика ғоясига қизиқиш тобора ортиб боришини қуйидаги омилларни кўрсатиш мумкин:

- бозорнинг “сотувчи”дан “харидор”га ўтишида рақобатнинг пайдо бўлиши, логистика қўлланилаётган субъектларнинг

рақобатбардошлиги, маҳсулот таннархининг кескин пасайтириши, маҳсулотни етказиб бериш сифати ва ишончилигини (белгиланган муддатларда, нуқсонсиз, маҳсулотлар партиясини бўлиб-бўлиб етказиш ва ҳ.к) ошириш;

- иқтисодиётда товарларнинг нархлардаги тебранишларнинг вужудга келишида логистикани қўллаш зарурлиги. Шунингдек 70-йиллардаги энергетик инқирози, бунда Энергия етказувчиларнинг нархи ошиши натижасида тадбиркорлардан ташишнинг иқтисодий усулларини излашга мажбур қилди. Ушбу масалани самарали ечиш учун, фақатгина транспорт ишларини такомиллаштириш билан натижа олиб бўлмайди. Бунинг учун тўлиқ логистика ва етказиб бериш занжирларини бошқаришда барча иштирок этувчиларнинг келишилган ҳаракатлари бўлиши зарурлиги кўрсатди .

Иқтисодиётда логистикани қўллаш имкониятини ҳозирги замонда ишлаб чиқариш, ташиш жараёнларида илмий-техник ривожланиши билан белгиланади. “Мева - сабзавотчилик” агрокластери тизимида логистиканинг асосий ғояси, ишлаб чиқаришнинг барча бўғимларида (мева-сабзавотларни етиштириш, саноат негизида қайта ишлаш, якуний маҳсулот тайёрлаш, ҳамда истеъмолчига етказиб бериш) маҳсулотларни ташиш ва топшириш жараёнларини узлуксиз ва яхлит бўлишини таъминлашдан иборат.

Экологик, иқтисодий ва ижтимоий сиёсий муаммолар мавжуд ҳозирги шароитда, корхоналар фойдани оширишни айнан ишлаб чиқаришдан олиш етарли эмаслигини тушуниб, маҳсулотни етказиб бериш сифатини оширишга эътибор беришмоқда. Лекин, логистикани кенг қўламда жорий этиш учун моддий базанинг инфратузилмасини, мутаносиб равишда ташкилий шаклларни, тегишли хўжалик механизмларини ривожлантиришни талаб этмоқда. Бу ўз навбатида асосий эътибор хусусий муаммоларни: омбор мажмуалари, тезкор транспорт воситалари, ахборот коммуникацион тармоқлари, моддий материалларни бошқариш усулларини ривожлантириш ва ҳал қилишга қаратилди.

Хорижда логистиканинг тезкор ривожланишига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири – моддий тақсимлашда умумий ҳаражатлар концепциясининг пайдо бўлиши бўлиб, Концепциянинг асосий маъноси маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига тақсимлашдаги ҳаражатларни қайта гуруҳлаш асосида уларнинг умумий миқдорини камайтиришдан иборат.

Бозорни ривожлантиришда маҳсулот харидорларига эътибор, хусусан хизмат кўрсатиш қийматларини ошириш ва бир хил талабларга жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар миқдорининг ошишига эътибор берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида бозор тузилмасининг кескин ривожланиш таъсири натижасида истеъмолчиларга хизмат даражасини кўтариш, талаб ва таклифларни мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва буюртмалар цикллари қисқартириш мақсадида янги

логистик ёндашувлар пайдо бўлмоқда ва бу ўз навбатида, маҳсулотни етказиш тузилмаларида янги ечимларни излаб топиш ва етказиш ҳаражатларини камайтиришда оптимал йўллари жорий қилишни талаб қилади. Юқори индустриал мамлакатлар иқтисодиётида илмий техник ривожланиш таъсирида муқобиллаштириш, оптимизациялаштириш, масалан транспорт турини танлаш, маҳсулотларни қабул қилиш ва омборларни жойлашишини оптималлаштириш, маршрутларни оптималлаштириш, захирага талаб ва эҳтиёжларни оптималлаштириш масалаларни ечиш зарурати вужудга келмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва буюртмалар циклларини қисқартириш мақсадида янги логистик ёндашувлар пайдо бўлиши ва бу ўз навбатида, маҳсулотни етказиш тузилмаларида янги ечимларни ахтариш ва етказиш ҳаражатларини камайтириш йўллари жорий қилишни талаб қилади.

Юқори индустриал мамлакатлар иқтисодиётида илмий техник ривожланиш турини танлаш, маҳсулотларни қабул қилиш ва омборларни жойлашишини оптималлаштириш, маршрутларни оптималлаштириш, захирага талаб ва эҳтиёжларни оптималлаштириш масалаларни ечишга мажбур бўлишди. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ташиш, омборда сақлаш фаолиятларининг ҳар бирини алоҳида оптималлаштириш етарли бўлмайди, чунки бу ўзаро боғлиқ бўлган жараёнларга таъсир кўрсатади. Айниқса, шу босқичнинг бошланишида маҳсулотни омборларда жойлаштириш ва ташиш хизмати кўрсатишни мувофиқлаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар ва корхоналар тажрибаси натижасида “маҳсулот тақсимланишини бошқариш” ибора ўрнига “логистика” атамаси қўлланила бошлади ва қатор ривожланган мамлакатларда интеграциялашиб, бизнеснинг охириги мақсадига кам ҳаражат билан етишда “ҳарид қилиш – қайта ишлаб чиқариш – етказиш - сотиш” тўлиқ логистик занжирга айланган. “Мева-сабзавотчилик” агрокластер тизимида етиштирилган маҳсулот логистик тизимининг аввалги занжирида чиқувчи ва кейинги занжирида кирувчи моддий оқим бўлади. Логистик тизимининг якуний моддий оқими охириги занжирининг чиқувчи оқими бўлади. Бунинг ўлчамлари логистик тизимдаги мустақил занжирларда кетма-кетликда таъсир этувчи жараёнларга боғлиқ бўлади.

Логистикада моддий оқимларни бошқариш анъанавий усулдан қуйидагилар билан фарқ қилади:

- белгиланган вақтда ва жойда зарур бўлган захиранинг мавжудлиги;
- ташқи ва ички транспортнинг бир меёрда келишиб ишлаши ишлаб чиқариш талбларига мувофиқ белгиланган вақтида етказиш кафолатини беради;
- логистиканинг етказиш занжирлари таркибидаги булакларнинг техникавий, технологик, иқтисодий ва услубий жиҳатларини яқдил тизимга бириктириб, моддий оқимлардан самарали фойдаланишини таъминлайди;

- транспорт ва омбор хўжаликларининг бир меёрда иш ҳаражатларини, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар захираларини камайтиради;
- истеъмолчи буюртмалари ва транспорт хизматларини бир меёрда ишлашини таъминлайди.

Логистик ёндашувда моддий ресурслар ҳаракатини бошқариш ҳозирги кунда қўлланилаётганидан фарқи шундаки, бунда бошқарув объекти сифатида оқим ёки бир бутун деб қабул қилинган кўп объектлардан иборат. Моддий оқимларни етказиш соҳасида логистик жараёнларга юклаш, тушириш, ташиш, комплекшлаш (бутлаш), омборда сақлаш, тақсимлаш каби жараёнлар киради.

Логистика тизими – ўзаро муносабатда, алоқада бўлган ва оқимларни бошқаришга мўлжалланган элементлар (звенolar) йиғиндиси ҳисобланади. Логистика занжири – истеъмолчини аниқ маҳсулот билан таъминлаш учун қатор физик ёки юридик шахслар бўлиб, логистика занжирида жўнатувчидан истеъмолчига қадар етказиладиган моддий ва инфор­мацион оқимларга моддий маҳсулотлар (уруғлик, кўчат, мева, резаворлар ва ҳ.к) ни олиш ва етказиш, маҳсулот ва хомашёларни сақлаш, маҳсулотларни, шу жумладан омбордаги қайта ишланган тайёр маҳсулотларни ҳам тақсимлаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

“Мева-сабзавотчилик - кластер” тизимида моддий оқимлар асосан майда оқимлар, яъни маҳсулотнинг оғирлик массаси бир транспорт воситасининг юк кўтариш қобилиятидан кам бўлган ва булар ташишда бошқа майда оқимли воситалари билан биргаликда бажарилиши мумкин

Республика қишлоқ хўжалигида Агрокластер тизими яқиндан бошлаб жорий қилинаётган бўлсада, тизим ўзининг ижобий томонларидан иқтисодий, тежамкор, юқори сифатли маҳсулот етиштириш нафақат фермер хўжаликлар, тизимнинг кейинги занжирларидан сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида барча иштирокчилар томонидан ишларни сифатли, белгиланган муддатларда бажарилишини тақоза этмоқда. Агрокластер тизимини қўллаш мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер, деҳқон, томорқа хўжаликларларнинг юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришда улар нафақат олинган ҳосил, балки тизим занжири бўйича ҳосилдан олинган тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган занжирни қамраб олади.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда мева – сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ҳолига келтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Худудлар кесимида мева-сабзавотларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича агрокластерлар ташкил этилган бўлиб, бу корхоналарда логистик тизимни йўлга қўйиш, асосан, водий худудларида мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

2. Соҳада янги инновацияларни қўллаш ҳамда, Агрокластер корхоналари ходимларининг салоҳиятини босқичма-босқич ошириб бориш. Агар ушбу соҳада янги инновациялар ва илмий ишланмалар жалб қилинса, янада юқори самарадорликга эришиш мумкин.

3. Хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган хўжалик субъектларининг ишида юзага келадиган ташкилий муаммоларни бартараф этиш ҳамда имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш. Бунда, давлат ва хусусий ширкатлар шерикчилигини йўлга қўйиш ҳам давлатлараро муносабатларга, ҳам давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади

4. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятида логистик хизматларни кенгайтириш. Бу ўз ўрнида тармоқнинг жадал ривожланишини ва янги иш ўринлари яратилишини таъминлайди.

Фикримизча, юқоридаги таклиф ва тавсияларни мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш тизимига жорий этиш юқори иқтисодий самарадорликка эришиш учун ёрдам беради

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз Т.: Ўзбекистон, 2016. 15-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган " Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси".lex/uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси" Lex/uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.Lex/uz.
5. Саидов М.Ҳ, Очилов И.С. Мева-сабзавотчиликда замонавий кластерларни шакллантириш масалалари, уларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДАУ, 2019. 5-бет.
6. М. Портер Конкуренция / Майкл Э. Портер; пер. с англ. – М.: Вильямс, 2006. – 256 с.
7. Джеймс С.Джонсон, Дональд Ф.Вуд, Дэниел Л.Вордлоу, Поль Р.Мерфи-мл. Modern logistics (Современная логистика). Учебное пособие. – М.:“Вильямс”, 2015.

8. Котлер Ф. Basics of Marketing (Основы маркетинга). Учебное пособие.- М.: Вильямс, 2010.
9. Ш.А.Бутаев, Қ.М.Сидиқназаров, А.С.Муродов, А.Ў.Кўзиев. Логистика (етказиб бериш занжирида оқимларни бошқариш). «Extretmum – PRESS». Т.: 2012, 577 б.
- 10.Клюкач В.А., Логинов Д.А. “Маркетинг в агропромышленном комплексе”. Учебник. – М.: Колос, 2013..
- 11.Альбеков А.У., Редько В.П., Митько О.А. Логистика коммерции. Ростов-на-Дону: Феникс, 2007.
- 12.Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновация”
- 13.Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.stat.uz Ўзбекистон Миллий ахборотлар агентлиги.<http://uza.uz/posts/>
- 14.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб сайти.[https://www.agro.uz/agroklasterlar-va kooperatsiyalar/#1627303540327-5870b9c2-be30](https://www.agro.uz/agroklasterlar-va-kooperatsiyalar/#1627303540327-5870b9c2-be30).